

«Исломофобия ва Фаластин» - Осиё-Тинч океани гуруҳи йиғилишининг бош мавзусига айланди



10:40 / 09.04.2019 2814

Қатар пойтахти Дохада бўлиб ўтган Осиё-Тинч океани гуруҳи аъзолари йиғилишининг асосий мавзуси исломофобия масаласи ва Фаластин халқига ёрдам беришдан иборат бўлди, деб хабар беради IQNA.

Бу йиғилиш парламентлараро саммитдан олдин бўлиб ўтган. Йиғилишда мусулмонлар озчилликни ташкил этадиган мамлакатларда исломофобиянинг олдини олиш, мусулмонларни ҳимоя қилиш, Фаластин халқига ёрдам бериш, Мозамбик, Малавий ва Зимбабведа тўфон сабаб юзага келган гуманитар инқирозларни бартараф этиш масалалари муҳокама этилган.

Маълум бўлишича, исломофобия масаласи бўйича Туркия ва Индонезия ўз резолюцияларини таклиф этган, Қувайт ва Марокко давлатлари Фаластинга ёрдам кўрсатиш бўйича ўз таклифларини тақдим этганлар. Йиғилишга раислик қилган Покистон парламенти раҳбари Асад Қайсар Янги Зеландиядаги масжидларда содир этилган террорчилик ҳаракатидан ҳалок бўлганлар яқинларига ҳамдардлик изҳор этиб, Осиё қитъасидаги давлатларда терроризм, қашшоқлик, ташқи сиёсат масалаларида аниқ ва тўғри тўхтамга келиш учун парламентлараро ҳамкорликни кучайтириш зарурлигини айтган. Дохада давом этаётган Осиё-Тинч океани гуруҳига аъзо давлатлар парламенти эртага ўз ишини якунлайди.

Islom.uz